Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

2016 ЙИЛ 25 МАРТ, ЖУМА

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 64 (13.127)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



САНОАТЧИЛАР УЧУН ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

“Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар мажмуасида “Uzbekistan Industrial Forum – 2016” саккизинчи халқаро саноат форуми иш бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, “Ўзавтойўл” акциядорлик компанияси, “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, “IEG Uzbekistan” компанияси ва бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилган халқаро форум очилишида мамлакатимиз саноати салоҳиятини юксалтириш мақсадида янги, илғор технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш корхоналарини замонавий техникалар билан қайта жиҳозлаш, инновацион фаолиятни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Чунончи, Президентимиз Ислом Каримов томонидан тасдиқланган 2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастури доирасида қурилиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича умумий қиймати 40,8 миллиард доллардан ортиқ бўлган 840 дан зиёд инвестиция лойиҳасини амалга ошириш белгиланган.

Жорий йилда форум “UzSpecTechExpo” (махсус техника, бутловчи буюмлар, сервис ва автоёқилғи қуйиш ускуналари), “UzMetalMashExpo” (металлургия, металлга ишлов бериш ва машинасозлик), “UzMiningExpo” (кон саноати технология ва ускуналари), “UzSecureExpo” (хавфсизлик тизимлари ва ёнғин хавфсизлиги), “UzChemPlastExpo” (кимё саноати, пластмасса ва полимерлар ишлаб чиқариш ҳамда уларга ишлов бериш), “UzAutomationExpo” (саноатни автоматлаштириш, ахборот технологиялари ва дастурий таъминот) ихтисослаштирилган кўргазмаларини ўзида бирлаштирди.

Халқаро форумни муҳим саноат кўргазмалари бирлашган шаклида ўтказиш бу ердаги ишбилармонлик муҳитидан самарали фойдаланиш, турли мамлакатлар саноатчилари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш имконини беради. Жорий йилги тадбирда Ўзбекистон, Германия, Швейцария, Хитой, Жанубий Корея, Австралия, Италия, Туркия, Украина, Беларусь, Россия, Финляндия, Қозоғистон каби дунёнинг 15 давлатидан 50 дан ортиқ корхона иштирок этмоқда.

(Давоми 2-бетда)

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

ОИЛА, МАҲАЛЛА, ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ҲАМКОРЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан баркамол авлодни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги мавзуида видео-семинар бўлиб ўтди.

Халқ таълими вазири У.Иноятов, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Г.Алимова, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари У.Салимов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, спорт билан шуғулланиши, замонавий билим ва касб-ҳунар эгаллаши, бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги “Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда ҳуқуқий асос бўлаётир.

Ҳозирги кунда ўқув масканларида ташкил этилган “Оила – маҳалла –таълим муассасаси” ҳамкорлиги мактаблардаги таълим сифатини атрофлича таҳлил этиш, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги масъулиятини кучайтириш, ўқувчиларнинг давоматини ўрганиш, билимларни ўзлаштиришини доимий таҳлил этиб боришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг бўш вақтини тўғри ва мазмунли ташкил этиш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизликнинг олдини олишга оид ишлар кўламини кенгайтиришда ушбу ҳамкорлик яхши самара бермоқда.

Ушбу жамоат кенгашлари томонидан ички ишлар органлари, шунингдек, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда таълим олаётган ёшлар қаровсиз қолдирилишининг ва улар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида “Таълим олувчи”, “Давомат” каби тезкор тадбирлар, “Футболимиз келажаги”, “Маҳалла баҳодирлари”, “Отам, онам ва мен – спортчилар оиласи” каби мусобақалар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Тадбирда ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш, таълим муассасалари ва маҳаллаларда тўгараклар тармоғини ривожлантириш, интернет-кафе ва компьютер клубларига ўқувчиларнинг ташриф буюришини тартибга солиш, таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, маҳаллаларда дарсликлар, ҳуқуқий ва бадиий адабиётлар билан таъминланган ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш, замонавий спорт заллари ва болалар майдончаларини барпо этиш борасида таклифлар билдирилди.

Г.САТТОРОВА

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР БЎЙИЧА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясида янги ISO 9001:2015 халқаро стандартига мувофиқ суғурта хизматлари сифат менежменти тизимини жорий этиш афзалликларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

“Ўзбекинвест” компанияси бош директори Ф.Саидаҳмедов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз компаниялари ва саноат корхоналари фаолиятига халқаро сифат стандартлари ва замонавий менежмент тизимларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. 2004 йилда “Ўзбекинвест” компаниясида халқаро стандартлар талабларига мувофиқ сифат менежменти тизими жорий этилган. Бу компания фаолиятини такомиллаштириш, янада сифатли суғурта хизматларини тақдим этишда кенг имкониятлар яратмоқда.

“Ўзбекинвест” мамлакатимиз корхоналари орасида биринчи бўлиб сифат менежменти тизими бўйича ресертификациядан ўтди ва янги ISO 9001:2015 стандартига кўра, халқаро ҳамда миллий сертификатга эга бўлди. Компания SGS халқаро сертификатлаштириш органи (Швейцария) томонидан ресертификациядан ўтказилди. Янги ISO 9001:2015 стандартига ўтиш мақсадида компания ходимлари малакаси оширилди, суғурта фаолиятининг барча босқичларида хатарларни баҳолаш тизими ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Бу стратегик режалаштиришдан тортиб, суғурта даъволарини кўриб чиқишгача бўлган барча бизнес жараёнларидаги хатарлар таъсирини баҳолаш ва камайтириш имконини беради. ISO 9001:2015 талабларига мувофиқ, “Ўзбекинвест” компаниясининг ташқи ва ички муҳити батафсил ўрганилиб, уни янада ривожлантириш имкониятлари белгилаб олинди.

Матбуот анжуманида янги ISO 9001:2015 стандартига мувофиқ сифат менежменти тизимини жорий этиш юзасидан маълумот берилди.

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси вакилларига ISO 9001:2015 ва O’zDSt ISO 9001:2015 стандартлари талабларига мувофиқлик сертификатлари топширилди.

Р.БОНДАРЧУК

Мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган изчил ишлар натижасида юртдошларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ошиб, фуқаролик позицияси тобора мустаҳкамланмоқда.

ТАРҒИБОТ-ТУШУНТИРИШ ИШЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги маърифий тадбирларнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида жойларда тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Тошкент давлат юридик университетида ташкил этилган шундай тадбирда университет ректори Е.Каньязов, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш.Турдиқулов, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи А.Сафоев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган миллий қонунчилик асослари яратилганини таъкидлади. Қонунчилик ҳужжатлари мазмун-моҳиятини аҳоли барча қатламларига етказишда давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг уйғунлиги йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат юзасидан давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш томонидан ўтган даврда ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга оширишга оид комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Ёш авлоднинг ҳуқуқий билими ва маданиятини юксалтиришда ҳуқуқий адабиётлар муҳим аҳамиятга эга. Ушбу йўналишда дарслик, қўлланма ва оммабоп юридик адабиётлар мунтазам нашр этилмоқда. Ҳуқуқий ахборотни интернет тармоғи орқали етказиб бериш амалиёти янада ривожлантирилди. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотларининг миллий базаси – “Lex.UZ” орқали аҳолини ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш кўлами кенгайтирилди.

Ҳуқуқшунос олимлар, амалиётчилар ва экспертлардан иборат тарғибот гуруҳи аъзолари иштирокчиларга миллий қонунчилик асослари, қабул қилинаётган қонунлар моҳияти, жамиятда бўлаётган ижтимоий-сиёсий янгиланишлар ҳақида батафсил маълумот берди. Аҳолининг ижтимоий фаоллиги, ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтириш, айниқса, ёшларнинг мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетини мустаҳкамлаш, эртамиз эгаларини соғлом эътиқод ва миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган маънавий-маърифий тадбирларни ўтказишда эътибор қаратилиши зарур бўлган жиҳатлар тўғрисида фикр алмашилди.

(ЎзА)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззахда Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши томонидан маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаолиятини кучайтиришга доир долзарб вазифаларга бағишланган семинар-тренинг ўтказилди. Семинарда “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этиш юзасидан партиянинг барча даражадаги ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ва маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари олдида турган вазифалар юзасидан фикр алмашилди.

● Навоий вилояти қоракўлчилик ширкат хўжаликлари чорвадорлари жорий йилги қўзилатиш мавсумини муваффақиятли бошлади. Қўзиларнинг деярли барчасини ўстиришга қолдириш режалаштирилган бўлиб, айни пайтга қадар 50 минг бошдан ортиқ қўй қўзилади.

● Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги “Turon eco cement” масъулияти чекланган жамияти қошида янги цемент заводи ишга туширилди. Кунига 350 тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга ушбу корхона хитойлик мутахассислар ёрдамида қуриб битказилган бўлиб, унинг иш бошлаши билан 100 дан ортиқ ёшлар доимий иш билан таъминланди.

● Навоийда “Ўзбекистон – барҳаёт диёр” деб номланган фотокўргазма ўтказилди. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ташкил этилган тадбирда давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, нуронийлар, талаба-ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● 2015 йил 30 октябрда Бухарестдаги тунги клубда юз берган ва 64 кишининг ўлимига сабаб бўлган ёнғиндан сўнг куни кеча Руминияда жамоат жойларида чекишни тақиқлаш тўғрисидаги қонун кучга кирди.

● Лондон кабутарлари одамларга ҳавонинг ифлосланганлик даражаси ҳақида маълумот бериш учун шаҳарни кузатишни бошлади. Чунончи, “Кабутарлар ҳаво патрули” лойиҳасида 10 та кабутар иштирок этмоқда. Улар атмосферада озон, кислород, карбонат ангидрид ва дизель машиналар чиқарадиган азот гиоксидини ўлчовчи датчикларга эга махсус халтачалар билан таъминланган.

● Рокфеллерлар фонди нефть ва кўмир компанияларидан ўзининг активларини чиқаришга қарор қилди.

ЛОГИСТИКА МАРКАЗЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Пойтахтимизда "Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси тизимидаги корхоналар томонидан қишлоқ хўжалиги ва мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, уларни сақлаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини улгуржи харид қилиш, сақлаш ва аҳолини ушбу маҳсулотлар билан барқарор таъминлаш мақсадида уюшма томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Улгуржи базаларни моддий техник жиҳатдан ривожлантириш, озиқ-овқат товарлари ва янги мева-сабзавот маҳсулотлари учун ихтисослашган омборхоналар қуриш, мавжудларини модернизация қилиш ҳамда замонавий ускуналар билан жиҳозлаш каби ишлар олиб борилаётир.

Бугунги кунда уюшма таркибида 60 та улгуржи савдо базаси ва корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Улгуржи харид қилинган маҳсулотларни сақлаш учун тизимдаги корхоналарда 116 минг квадрат метр совутилмайдиган ва 75 минг тонналик совутиладиган омборхоналар мавжуд.

2011-2015 йиллар мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда янги қурилиш, реконструкция ва модернизациялаш ҳисобига 68 минг тонналик замонавий совуткичли сиғимлар ишга туширилди. Қиш-баҳор мавсумида аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш ҳамда нарх барқарорлигига эришиш мақсадида ўтган йилги ҳосилдан уюшма тизимидаги базалар томонидан 70 минг тоннадан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари жамғарилди. Ушбу маҳсулотлар 2015-2016 йиллар учун декабрь-май ойларида тасдиқланган график асосида ички бозорга чиқарилиб, махсус ташкил этилган савдо расталарида аҳолига сотилмоқда. Шунингдек, ушбу мақсадларда деҳқон ва фермер хўжаликлари билан маҳсулот харид қилиш бўйича 60 миллиард сўмлик шартномалар тузилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 29 декабрдаги 2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини қайта шакллантириш ва ривожлантиришга оид Қарорига асосан мева-сабзавот маҳсулотларини харид қилиш, сақлаш, бирламчи ишлов бериш ва экспортга жўнатиш ишларини амалга оширишга ихтисослашган 17 та логистик марказларни ташкил этиш белгиланган. Уларнинг тўрттаси жорий йилда ишга туширилиши кўзда тутилмоқда.

Анжуманда таъкидланишича жорий йилда уюшманинг комплекс чора-тадбирлар дастурига асосан мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда ишлаб чиқаришга ихтисослашган бир қанча корхоналарнинг ишга туширилиши кўзда тутилган. Жумладан, мева-сабзавотларни қайта ишлаш учун 18 та, замонавий қолипли нон, қандолат ва макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун 7 та ва сутни қайта ишлашга мўлжалланган 3 та кичик цехлар ташкил этилади.

Шунингдек, 2016 йил мобайнида "Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси томонидан озиқ-овқат, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, улгуржи савдо корхоналарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш объектларини барпо этиш орқали 865 та янги иш ўринлари ташкил этилиши режалаштирилгани айтиб ўтилди.

Абдуалим САЛИМОВ



Сарвар Ўрмонов олган суратлар

САНОАТЧИЛАР УЧУН ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

"UzMiningExpo – 2016" ихтисослаштирилган кўргазмасига форум экспозициясининг марказий жойларидан бири ажратилган. Унда мазкур соҳа етакчилари – Навоий кон-металлургия комбинати, Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва "Ўзбеккўмир" очиқ акциядорлик жамияти ва бошқа йирик корхоналар қатнашмоқда. Улар томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли лойиҳалар геология-қидирув, минерал хомашё қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳаларида замонавий асбоб-ускуналар ва илғор технологиялар жорий қилинишини талаб этади. Бу эса ускуналар етказиб берувчи миллий ва хорижий компанияларда қизиқиш уйғотмоқда.

Стендларда саноат корхоналарини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланишга топшириш, конларни ўзлаштириш, минерал хомашё ресурсларини ташишга мўлжалланган кенг турдаги хизмат ва маҳсулотлар тақдим қилинган. Улар орасида нефть маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотишга мўлжалланган саноат ускуналарини ишлаб чиқарувчи "Grand maxsan engineering" масъулияти чекланган жамияти ҳам бор.

– Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларга ёқилғи қуйишга мўлжалланган контейнер туридаги станцияларга бозорда талаб юқори, – дейди ЎзА мухбирига мамлакатимиздаги "Grand maxsan engineering" МЧЖ директори Бахтиёр Обидов. – Бундай станциялар ҳар қандай жойда автомобилларга ёқилғи қуйиш имконини беради. Шунингдек, ичимлик суви ташишга мўлжалланган автомобиль тиркамалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Чўл ҳудудларида улардан бурғиловчи мутахассислар ва геологлар кенг фойдаланиши мумкин.

Голландиянинг "Жовенцана" компанияси кўргазмада илк маротаба иштирок этмоқда. Компания кўтарма-транспорт ва лифт ускуналари, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ишланмаларини намойиш қилмоқда.

– Ўзбекистонда саноат корхоналари замонавий технологиялар ва ускуналар харид қилишда ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, – дейди "Жовенцана" компаниясининг МДҲ мамлакатлари бўйича минтақавий менежери Аржан Инзаги. – Биз ушбу йўналишда ҳамкорлик қилишдан манфаатдормиз.

"UzSecureExpo – 2016" кўргазмасида жамоат ва транспорт хавфсизлиги мутахассислари, профессионал уюшмалар, илм-фан ва бизнес ҳамжамиятлари вакиллари иштирок этмоқда.

Кўргазма стендларида соҳанинг етакчи компаниялари ўз маҳсулотларини омма эътиборига ҳавола қилмоқда. "Midway" МЧЖ, "VIP Security" (Ўзбекистон), "Hikvision technology Co., Ltd" (Хитой) каби компаниялар шулар жумласидан. Автомобилларнинг давлат рақамларини аниқлаш, қўриқланадиган объектларга кириш ҳолатини қайд этиш, автоҳаваскорларга ёрдам бериш каби кенг турдаги вазифаларни бажарадиган видеокузатув тизимлари мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

– Айни пайтда Ўзбекистонда йўлларда хавфсизлик ва йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини янада такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди "Hikvision technology Co., Ltd" компаниясининг минтақавий директори Леонид Тан. – Ушбу форум Ўзбекистон хавфсизлик индустрияси мутахассислари ва компаниямиз ўртасидаги ҳамкорлик учун кенг имкониятларни яратмоқда.

"UzMetalMashExpo – 2016" кўргазмасида металлургия тармоғидаги янги тенденция ва йўналишлар билан танишиш мумкин. Бу ерда кенг турдаги дастгоҳлар, эҳтиёт қисмлар, қувурларга ишлов берадиган машиналар ва ускуналар намойиш этилмоқда.

Мамлакатимиз оғир саноатининг кенг имкониятларини намойиш этаётган "Пайвандлаш технологиялари маркази" масъулияти чекланган жамияти стенди иштирокчилар билан гавжум. Ушбу фирма "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси остида юқори технологияли металл кесиш дастгоҳларини ишлаб чиқаради.

Мухтасар айтганда, халқаро саноат форуми тажриба алмашиш, ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ва истиқболли шартномалар тузиш учун самарали майдон бўлади.

М.ҚАРШИБОЕВ

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР

Республика дизайн коллежида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган тадбир ўтказилди.

Партиянинг "Инновацион фаолият – тараққиёт гарови" лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда партия марказий кенгаши масъул ходимлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, "Ёш адолатчилар" қаноти аъзолари, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этди.

Президентимизнинг 2012 йил 28 майдаги "Малакали педагогик кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ушбу тизим ўқитувчиларининг илғор технологияларни ўзлаштиришида муҳим омил бўлмоқда.

Таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари, инновацион дастур ва қўлланмалардан кенг фойдаланилаётгани унинг сифатини янада оширмоқда, мазмунан бойитмоқда.

– Бугунги ёшларга янгича дарс ўтиш, ўқув машғулотларини инновацион лойиҳалар билан бойитишни замон талаб этмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Республика дизайн коллежи директорининг ўринбосари Жаҳонгир Ниғматов. – Бугун ҳар бир соҳада бўлгани каби таълим тизимида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда ахборот технологиялари орқали дарсларни интерактив тарзда олиб боришнинг афзалликлари таҳлил қилинди. Бу борадаги янги ўқув-методик қўлланмалар ҳақида маълумот берилди.

А.ҚИЁСОВА

Тошкентда "Ўзбекистоннинг етакчи ресторанлари ва отельлари билан муаллифлик учрашувлари" лойиҳаси бошланди. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳузуридаги Ресторан ва меҳмонхона бизнесини ривожлантириш қўмитаси томонидан ташкил этилди.

Туризм

МУТАХАССИСЛАР ТАЖРИБА АЛМАШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан бир қаторда, туризм, хизмат кўрсатиш соҳаси, жумладан, ресторан ва меҳмонхона бизнеси жадал ривожланаётганини таъкидлади. Бу жараёнда ўтган йили Савдо-саноат палатаси ҳузурида Ресторан ва меҳмонхона бизнесини ривожлантириш қўмитаси ташкил этилди. Соҳа вакиллари ўртасида миллий ва хорижий тажрибани оммалаштириш, уни ривожлантириш истиқболларини қидириш янги тузилманинг асосий мақсадларидан бири этиб белгиланди.

– Юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ресторан ва меҳмонхона бизнесини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади, – дейди лойиҳа ташаббускорларидан бири Т.Абдуллаев. – Тегишли ўқув муассасалари ўқувчилари ва талабаларининг амалий кўникмага эга бўлиши, уларни иш юритиш қоидалари билан таништириш учун таниқли мутахассисларни жалб этиш белгиланган. Аксарият тадбиркорлар янги лойиҳада тажриба алмашиш истагини билдирди. Келгусида бундай учрашувларни ҳар ой ўтказиш режалаштирилмоқда.

"Caravan group" ресторанлар тармоғи бошқарувчиси Тимур Мусин дастлабки муаллифлик учрашувини ўтказди. Тадбир доирасида янги стартап-лойиҳалар тақдим этилди. Жумладан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети вакиллари ўз ғоясини намойиш қилди.

Учрашув якунида мутахассислар тайёрлаш самарадорлигини ошириш, соҳа корхоналари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Соҳани янада ривожлантириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ирина ДОЛЕНКО,
ЎзА мухбири

Тадбирлар

МАҲАЛЛАДОШЛАР МАМНУН БЎЛИШДИ

Ўзида миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни жамулжам қилган эзгулик, яшариш айёми Наврўзи олам асрлар оша эъзозланиб келинаётгани бежиз эмас.

Айни кунларда юртимизнинг қай бир гўшасига борманг Наврўз байрами нишонланаётганига гувоҳ бўласиз. Байрам арафасида Юнусобод туманида янги "Нурмакон" маҳалласи ташкил этилди. Турли миллат ва элат вакиллари истиқомат қилаётган ушбу маҳаллада Наврўз айёми кенг нишонланди. Маҳалланинг нуронийлари, ёшлар, фаоллар бир дастурхон атрофига жамулжам бўлишди. Дошқозонда дамланган паловнинг таъми барчани хушнуд этгани шубҳасиз. Тадбирга таклиф этилган хонандалар ижросида она Ватанни, табиатни, Наврўзни мадҳ этиб куйланган қўшиқлар кечага янада файз киритди.

Шунингдек, Юнусобод туманидаги "Кулолқўрғон" маҳалласида ҳам Наврўзи олам муносабати билан байрам тадбири уюштирилди. Байрамда сўз олган маҳалла фаоллари Истиқлол шарофати билан миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз қайта тикланган, тўрт минг йиллик тарихга эга Наврўз яна тантана қилинаётгани, маҳалла институтига кенг имкониятлар берилаётгани ҳақида тўлқинланиб гапиришди.

Байрам тадбирида дастурхонга Наврўз неъматлари — сумалак, кўк сомса, кўк чучваралар тортилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ҚОНУН МОҲИЯТИ ЎРГАНИЛДИ

Тошкент фармацевтика институтида фармацевтика фаолиятининг ҳуқуқий асослари, соҳани янада ривожлантириш истиқболларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда депутатлар, вазирлик ва ташкилотлар вакиллари, олимлар, мутахассислар, талабалар иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Ё.Умаров, Тошкент фармацевтика институти ректори А.Юнусхўжаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фармацевтика соҳасини ривожлантириш, бу йўналишда малакали кадрлар тайёрлаш, илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашга қаратилаётган доимий эътибор аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

2016 йил 5 январда кучга кирган янги таҳрирдаги "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонун соҳа асосларини янада такомиллаштирди. Жойларда турли анжуман, семинарлар ташкил этилиб, мазкур қонун мазмун-моҳияти мутахассислар, ишлаб чиқарувчилар ва аҳолига тушунтирилмоқда.

– Янги таҳрирдаги қонунда фармацевтика соҳасини янада ривожлантириш билан боғлиқ кўплаб вазифалар белгиланган, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент фармацевтика институти проректори Рустам Тўлаганов. – Бу институтимиз жамоаси зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Таълим-тарбия ишлари билан бир қаторда илмий изланишларни янада ривожлантириш, янги дори воситалари яратиш жараёнида уларнинг ножўя таъсири юзага келишининг олдини олиш, жаҳон тиббиётининг долзарб масалаларига оид илмий изланишларни кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Тошкент фармацевтика институтида ўтган тадбирда малакали фармацевт кадрлар тайёрлаш, соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш, илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш бўйича яратилган ҳуқуқий асослар ва амалий ишлар хусусида сўз юритилди. Қонунчилигимизга киритилган ўзгартишларни ҳаётга татбиқ этишда олимлар ва мутахассислар олдида турган вазифалар таҳлил этилди.

Б.ХИДИРОВА

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти томонидан "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Жамият раиси Ҳ.Каримов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда аҳолининг барча қатламини кучли ижтимоий ҳимоялаш борасида кенг имкониятлар яратилганини таъкидлади.

Мамлакатимиздаги етакчи нодавлат нотижорат ташкилотларидан бири бўлган Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти инсонпарварлик, беғаразлик, мустақиллик каби тамойиллар асосида ўз фаолиятини йўлга қўйгани билан аҳамиятлидир. Аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг тиббий маданиятини юксалтириш, жамиятда соғлом турмуш тарзи ғояларини кенг тарғиб этиш, турли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, мураккаб вазиятларда тез ва тўғри ҳаракат қилишга оид кўникмаларни юксалтириш мазкур жамоат ташкилоти фаолиятида алоҳида ўрин эгаллайди.


Ташкилот юртимизда ҳар йили қабул қилинаётган ижтимоий аҳамиятга молик дастурлар ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Кексалар, алоҳида эҳтиёжли фуқаролар, серфарзанд оилаларга манзилли моддий ва маънавий кўмак кўрсатиш, аҳолига турли фавқулодда вазиятларда кўмаклашиш, табаррук ёшдаги отахон ва онахонлар ҳолидан хабар олиш, уларга ғамхўрлик кўрсатишга оид савобли юмушлар шулар жумласидандир.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Репродуктив саломатликни муҳофазалаш, соғлом оилани шакллантириш, тўғри овқатланиш ва жисмоний фаоллик, болаларда касалликлар профилактикаси, маиший жароҳатланиш профилактикаси бўйича аҳоли учун 150 мингта ахборот-таълим материали тайёрланмоқда. Шунингдек, дастурнинг 40-бандига кўра, ҳамкор ташкилотлар билан бирга кам таъминланган, серфарзанд оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар, эсдалик совғалари топширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ижтимоий шериклик асосидаги бундай эзгу ишларда Қизил ярим ой жамиятининг барча минтақавий ташкилотлари фаол иштирок этмоқда.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

(ЎзА)

Реклама ўрнида





РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Диққат! Диққат! Диққат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, “Ko’chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ бошланғич нарх босқичма босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари такроран қўйилади:

1. Тошкент шаҳар ҳокимлиги муассислигидаги, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 26-уй манзилида жойлашган “Landshaft Dizayn Markazi” Давлат унитар корхонаси.

Бошланғич нархи – 72 668 300 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

2. Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Авиашаҳарча, 75-уй манзилида жойлашган “O`rta Osiyo Maxsus Qurilish” давлат бирлашмаси.

Бошланғич нархи – 505 182 000 сўм.

Балансда сақловчи: O`rta Osiyo Maxsus Qurilish” давлат бирлашмаси.

Фаолияти ихтисоси: Республика бўйича халқ хўжалиги объектларида бурғулаш, портлатиш ва махсус ишлар бажарувчи 1, 2, 4, 5 махсус механизациялашган кўчма жамланмаларнинг ишларини назорат ва мувофиқлаштириш.

Савдо ташкилотчиси: “Ko’chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1“А”-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2016 йил 15 апрель куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1“А”-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2016 йил 2, 18 май, 2, 17 июнь кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси “Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ “Ипак йўли” Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

